

А Ж Р И М

(ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш ҳақида)

2021 йил февраль ойининг 08 куни, жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти, Қўқон шаҳар суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг судьяси М.Улуғбековнинг раислигида, М.Мирзаалиевнинг котиблигида, давлат айбловчиси Қўқон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Ғ.Рўзиев, судланувчи И.Турсунов ва унинг химоячиси адвокат М.Игамбердиева ҳамда жабрланувчи З.Турсуноваларнинг иштирокида, судланувчи Турсунов Исмоилжонга оид **1-1503-2002/609-сонли** жиноят ишини кўриб чиқди.

Турсунов Исмоилжон (Tursunov Ismoiljon), 1956 йил 25 январда Ўзбекистон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, пенсияда, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, давлат мукофотлари билан тақдирланмаган, депутатликка сайланмаган, Қўқон шаҳар, Ғунча кўчаси, 3 уйда яшайди, эҳтиёт чора тариқасида муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисида тилхат қўлланилган, айблов далолатнома нусхасини 2020 йил 27 январь куни олган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан айбланган И.Турсуновга оид жиноят ишини судланувчи ва жабрланувчининг ярашув асосидаги аризаларини муҳокама қилиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Турсунов Исмоилжон 2020 йилнинг 28 декабрь куни соат 16:00 ларда Қўқон шаҳар, А.Т.Хўқандий мавзесида жойлашган 11-уйни 29-хонадонидан турмуш ўртоғи З.Турсунова билан оилавий келишмовчиликлар юзасидан ўзаро жанжаллашиб, жабрланувчи З.Турсуновани юз қисмига тиззаси билан бир маротаба тепиб, қасддан енгил тан жароҳати етказган.

Суд тиббиёт экспертизанинг 2020 йил 29 декабрь кунги 6839-сонли хулосасига кўра, З.Турсуновада бош мия чайқалиши, ўнг кўз атроф ковоқларида қонталаш каби тан жароҳатлари борлиги аниқланиб, бу тан жароҳатлари олти кундан кўп, йигирма бир кундан кам бўлган муддатга соғлиғини бузилишига олиб келган енгил жароҳатлар тоифасига киришлиги кўрсатилган.



Турсунов Исмоилжоннинг жиноий ҳаракатлари тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан квалификация қилинган.

Жабрланувчи З.Турсунова суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини тақдим қилиб, судланувчи И.Турсунов унга етказилган 1.000.000 сўм моддий зарарни тўлиқ қоплаб, ундан кечирим сўраб, қилган ишидан пушаймон бўлганини, кўшни савдо дўконда ишлаб келишларини инобатга олиб, ўз хоҳиши билан ярашув аризасини ёзганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларини тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят иши бўйича судланувчи И.Турсуновни айблилиқ масаласини ҳал этмай тугатишни сўради.

Судланувчи И.Турсунов суд мажлисида, ярашув тўғрисидаги аризасини тақдим қилиб, жабрланувчига етказилган 1.500.000 сўм моддий зарарни қоплаб ундан кечирим сўраганини, қилган ишидан пушаймон бўлиб, ярашиб олишгани ҳақида кўрсатув бериб, ўзига оид жиноят ишини айблилиқ масаласини ҳал этмай тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасида, ушбу кодекснинг 109-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган шахс, агар ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмида, “Жабрланувчи Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд қилинувчи, судланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилиқ ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкин” деб кўрсатилган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 585-моддаси талабларидан келиб чиқиб, тарафларнинг ярашув тўғрисидаги аризалари ихтиёрий равишда ёзилганлигини, гумонланувчи И.Турсунов ўз айбига иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, жабрланувчига етказилган моддий зарар амалда тўлиқ қопланганини, жабрланувчини судланувчи И.Турсуновга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, тарафларни ярашув битмига розилиқларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан Турсунов Исмоилжонни айблилиқ масаласини ҳал қилмасдан туриб, уни жиноий жавобгарликдан озод қилиб, жиноят ишини тугатишни лозим деб топди.

Юқоридагиларга кўра, суд Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси, ЖПКнинг 84, 401, 582-583, 585-586-моддаларини қўллаб,

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан айбланган Турсунов Исмоилжон жабрланувчи Турсунова Зираатхон Мутассировна билан ўзаро ярашиб олганлиги муносабати билан ЖКнинг 66¹-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилинсин ва жиноят иши



Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан тугатилсин.

Ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг И.Турсуновга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ажрим устидан йигирма сутка ичида Фарғона вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдириши мумкин.

Жиноят ишлари бўйича

Қўқон шаҳар судининг судьяси:

М.Улуғбеков

